«ТАСДИҚЛАЙМАН»
**Танлов комиссиясининг раиси,**
**Тошкент вилояти Оққўрғон**
**тумани Халқ таълими**
**Мудири М.Тожибоев**

**2022 йил “____” __________**

**Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Халқ таълимига қарашли 43-сон умумтаълим мактабига Султонобод МФЙ Багара қишлоғида яшовчи ўқувчиларини мактабга олиб келиш ва мактабдан қишлоғига олиб бориш учун автобус хизмат кўрсатиш бўйича.**

# Ташкилотни танлаб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Тошкент вилояти - 2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Халқ таълимига қарашли 43-сон умумтаълим мактабига Султонобод МФЙ Багара қишлоғида яшовчи ўқувчиларини мактабга олиб келиш ва мактабдан қишлоғига олиб бориш учун автобус "ИСУЗИ" билан хизмат кўрсатиш бўйича.

1.2. Танлов охирги қиймати 60500000сум(июнь-декабрь ойлари учун) . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан пудратчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Халқ таълими**, (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Оққўрғон туман Охунбобоев куча 12уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов ________________________________________- "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги;